
ОЛТИАРИҚ ВА УЧКЎПРИК ТУМАНЛАРИДА ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ ДАРАЖАСИ КЕСКИН ТАНҚИД ҚИЛИНДИ, ҚАТОР ТУМАНЛАРДА ИШЛАРНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон туманидаги 49-умумтаълим мактабида вилоятимиздаги ижтимоий соҳа объектлари иситиш тизимларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича муҳокама йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда вилоятимиздаги шаҳар ва туманлар ҳоқимлари ва секторлари раҳбарлари, масала билан алоқадор вилоят мутасадди ташкилотлари раҳбарлари, ижтимоий соҳа объектлари бўйича битим имзолаган хусусий шериклар иштирок этдилар. Ўзбекистон тумани ҳоқимлиги ва хусусий шерик – “Fergana Avtomat Raschot” МЧЖ ўртасида тузилган битим доирасида бу борада амалга оширилаётган ишлар намунали тарзда ташкил этилгани эътироф этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги ПҚ-118-сон Қарори ижроси доирасида вилоятдаги давлат ижтимоий соҳа объектларини кўмир ёқилғисига ўтказиш орқали куз-қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш ҳамда муассасаларнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш ва белгиланган меъёрларда ишлашини таъминлашни давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор иштирокида жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар танқидий муҳокама қилинди.

Вилоят ҳоқимининг ўринбосари Хожиқўзижон Исақов, вилоятнинг 19 та шаҳар ва туманларида жами 2455 та ижтимоий соҳа объектлари иситиш тизимларини ДХШ асосида модернизация қилиш белгиланганини маълум қилиб, ушбу объектларнинг эксплуатация харажатлари учун жами 176,2 млрд. сўм маблағ ажратилганини, лойиҳаларнинг модернизация қилиш қиймати 321,6 млрд. сўмни ташкил этиб, бунинг 141,2 млрд. сўм қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратиб берилганини маълум қилди.

Вилоят ҳоқимининг ўринбосари, Президент қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар, шаҳар ва туманларда муассасаларни ички иситиш тизимларини таъмирлаш, радиаторлар ўрнатиш, янги замонавий тежамкор иситиш қозонларини ўрнатиш ҳамда кўмир жамғариш ишларининг бориши юзасидан ҳисобот берди.

Муҳокамаларда Олтиариқ ва Учкўприк туманларида ижтимоий соҳа объектлари иситиш тизимларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш даражаси кескин танқид қилинди, ушбу туманлар ҳоқимлари ва секторлари раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди, Риштон, Бувайда, Бешариқ, Тошлоқ, Данғара, Ёзёвон, Қува туманларида ишларни жадаллаштириш вазифаси белгиланди.

Барча раҳбарларга ва мутасаддиларга, хусусий шерикларга давлат ижтимоий соҳа объектлари иситиш тизимларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича белгиланган муддатларда ва сифатда иш ташкил этиш юзасидан қатъий топшириқ берилди.

Хусусий шерикларга ўзларига бириктирилган ижтимоий объектларда фаолият олиб борадиган ишчиларни замонавий иситиш қозонлари билан ишлашни ўргатиш бўйича иш ташкил этиш, улар билан меҳнат шартномасини қонунчилик талаблари асосида расмийлаштириш юзасидан кўрсатма берилди.

Вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасига бажарилаётган ишлар сифатини, давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар тўғри сарфланишини назоратини кучайтириш топшириғи берилди.

20 ноябрь куни вилоятимиздаги давлат ижтимоий соҳа объектлари иситиш тизимларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича якуний муҳокама йиғилиши ўтказилиши маълум қилиниб, барча 2 масъулларга ушбу муддатга қадар белгиланган вазифаларни тўла якунлаш вазифаси юклатилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2023-11-13 15:00:12